

Эмитентнинг номи	«Ховренко номидаги Самарқанд вино комбинати» акциядорлик жамияти		
Жойлашган ери (почта манзили)	Самарқанд шаҳри, М.Қошғари кўчаси, 58-уй		
Хабар рақами -	03		
Мухим фактнинг номи:	Эмитентнинг олий бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар		
умумий йиғилиш тури (йиллик, навбатдан ташқари)	Кузатув кенгаши мажлиси		
умумий йиғилиш ўтказиш шакли	очиқ		
умумий йиғилиш ўтказиш санаси	22.12.2018		
умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана	22.12.2018		
умумий йиғилиш ўтказилиш жойи	Самарқанд шаҳри, М.Қошғари кўчаси, 58-уй		
умумий йиғилиш кворуми	100,0		
овоз беришга қўйилган масалалар	овоз бериш якунлари (% овозлар сони)		
	рози	қарши	бетараф
1. «XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI» aksiyadorlik jamiyati устав капиталини кушимча акцияларни жойлаштириш йули билан купайтириш ва кушимча акциялар чикариш тугрисида қарор қабул қилиш.	100%	0	0
2. «XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI» aksiyadorlik jamiyati уставига жамиятнинг устав капиталини купайтириш билан боғлиқ узгартириш ва кушимчалар киритиш.	100%	0	0
3. «XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI» aksiyadorlik jamiyati кушимча акциялар чикарилиши тугрисидаги қарорни тасдиқлаш.	100%	0	0
кузатув кенгаши мажлиси томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни			
<p>1. «XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI» aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг 2016 йил 25 июндаги, 2017 йил 24 июндаги ҳамда 2018 йил 19 июнда йиллик умумий йиғилишлари қарорларига асосан капитализация қилиш йули билан жамият устав фондини оширишга йуналтирилган жами – 1 892 939 878 сум маблағларнинг 1 637 585 760 суми ( 86,5%) ҳисобидан номинал қиймати 1 068 сумдан булган 1 533 320 дона умумий қиймати 1 637 585 760 сумлик кушимча оддий акциялар чикарилсин;</p> <p>-колган 255 354 118 суми келгусида акциялар чикарилувида инобатга олиниши белгилаб қуйилсин:</p> <p>-ушбу чикариладиган кушимча акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қуйдагича белгилансин, жумладан:</p> <p>Ушбу чикарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): <b>оддий</b></p> <p>Ушбу акциялар чикарилишининг шакли: <b>Хужжатсиз (нақдсиз).</b></p> <p>Ушбу чикарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): <b>1 068 сўм.</b></p> <p>Ушбу чикарилишдаги акцияларнинг сони (дона): <b>1 533 320 дона.</b></p> <p>Ушбу чикарилишнинг умумий ҳажми (сўм): <b>1 637 585 760 сўм.</b></p> <p>Ушбу чикарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:</p> <p>Ушбу чикарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна): <b>Мазкур чикарилишдаги 1 533 320 дона хужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги эгасининг номи ёзилган оддий акциялар 2018 йил 13 июн ҳолатида шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига мувофиқ акциядорлар ўртасида уларга тегишли акциялар тури ва сонига мутаносиб равишда, яъни ҳар 1(бир) дона жойлаштирилган эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга 1(бир) дона қўшимча эгасининг номи ёзилган оддий акциялар тақсимлаб бериш йўли билан ёпиқ обуна орқали (хусусий йўсинда) жойлаштирилади.</b></p> <p>Ушбу чикарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: <b>Мазкур акциялар чикарилиши Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 1 (бир) йил муддат ичида</b></p>			

жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси: Мазкур чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган сана.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси: Мазкур чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг охириги санаси, бу сана мазкур чиқарилиш давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб уч юз олтинчи беш кундан ошмаслиги лозим.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби: Мазкур чиқарилишдаги акциялар қонунчиликда белгиланган тартибда 2018 йил 13 июн ҳолатида шакллантирилган акциядорларнинг реестрига мувофиқ акциядорлар ўртасида уларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда, яъни ҳар 1(бир) донга жойлаштирилган эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга 1(бир) донга қўшимча эгасининг номи ёзилган оддий акциялар тақсимлаб бериш йўли билан ёпиқ обуна орқали (хусусий йўсида) жойлаштирилади. Бунда, акцияларни жамият акциядорлари ўртасида жойлаштириш жамият кузатув кенгаши аъзоларининг 2018 йил 22 декабрдаги мажлиси қарори асосида ҳеч қандай шартномалар тузилмаган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш учун андеррайтерлар жалб қилинмайди.

Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш назарда тутилмаган.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қиймати (1 068 сўм) баҳосида жойлаштирилади.

Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Мазкур чиқарилишдаги акциялар жамият кузатув кенгаши аъзоларининг 2018 йил 22 декабрдаги мажлиси қарорига асосан жамиятнинг 2015-2017-йиллар молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича олинган соф фойдасининг жамият устав капиталига йўналтирилган қисми, яъни 1 637 585 760 сўми ҳисобидан тўланади. Тўловни пул бўлмаган воситалар билан амалга ошириш назарда тутилмайди.

Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Мазкур акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда, эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситалар акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб тан олинган кундан бошлаб, 10 (ун) кун муддат ичида қонунчиликда белгиланган тартибда қайтарилади.

2.«XOVRENKO NOMIDAGI SAMARQAND VINO KOMBINATI» aksiyadorlik jamiyati Ustaviga киритилган узгартириш ва қўшимчалар матни тасдиқлансин.

3.Жамиятнинг номинал қиймати 1 068 сумдан булган умумий қиймати 1 637 585 760 сумлик эгаси ёзилган ҳужжатсиз ( нақдсиз) 1533320 донга оддий акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тугрисидаги қарори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4.Жамият уставига киритилган узгартириш ва қўшимчалар матнини ҳамда акцияларнинг қўшимча чиқарилиши тугрисидаги қарорини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан утказилишини таъминлаш жамият бошқаруви раиси в.в.б Х.С.Азимов зиммасига юклатилсин.

Ижроя органи раҳбари

Х.С.Азимов



(имзо, муҳр)